ШАРҚ ЁЗМА МАНБАЛАРИДА АНДИЖОН ТАВСИФИ

С. Жалилов

В статье опираясь на письменные источники освещена история Андижана, доказана необходимость специального изучения истории городов Ферганской долины, сыгравших значительную роль в политической, экономической и культурной жизни страны в прошлом.

In this article was mentioned the written sources the history of Andijan which is covered and the necessity the special study of historical cities of the Fergana valley which has played a significant role in political, economic and cultural life of the country in the past.

Археология фани Ўрта Осиё шаҳарларининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини ўрганишда сезиларли муваффақиятларни қўлга киритган. Аммо Фарғона водийси шаҳарларининг тарихи мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидаги тенгдошларига нисбатан камроқ ўрганилган. Фанимиздаги бу кемтикка истиқлол йиллари жиддий эътибор қаратилаётганлигининг боиси ҳам мана шунда. Яқиндагина Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи ўтказилгани бунинг яққол мисолидир. Эндиги навбат гўзал водиймиз бошқа шаҳарларининг ҳам тарихий ёшини аниқлаш ва ривожланиш босқичларини ўрганишга. Президентимиз Ислом Каримов Марғилоннинг юбилей тантанасида сўзлаган нутқида бу вазифага алоҳида урғу бериб ўтганининг боиси ҳам шундадир: “Латиф шаҳар деб ном олган Қўқон, қадимий Андижон, гўзал Наманган, кўҳна Ахсикент каби тарихимизда чуқур из қолдирган шаҳарларнинг ҳам қутлуқ саналарини кенг миқёсда нишонлаш - бизнинг олдимизда турган катта вазифадир”[1].

Президентимиз маърузасида ҳам таъкидлаб ўтилганидек, Фарғона водийсидаги энг қадимий шаҳарлардан бири Андижондир. Ўтган асрнинг 70-80-йиллари муттасил илмий режа асосида бўлмаса-да, Андижонда археологик текширишлар олиб борилиб, айрим моддий маданият ёдгорликлари тўпланди. Жумладан, биз ҳам шаҳар тарихи, қадимий мудофаа деворлари, қалъа-арк қолдиқлари, ўрта аср кўча-гузарлари, суғориш иншоотлари, турли жой номлари топонимикасини ўрганиш билан шуғулланган эдик.

Ниҳоят, 2000 йилдан бошлаб Бобур номли Халқаро жамғарма раиси ташаббуси билан Археология институти билан ҳамкорликда махсус тузилган илмий режа асосида Андижонда археологик текшириш ишлари бошланди. Археолог олим Боқи Матбобоев раҳбарлигида олиб борилган текширишлар натижаси кўрсатмоқдаки, Андижонга Фарғона шаҳарсозлик маданиятининг Эйлатон давридаёқ асос солинган. Буни Б.Матбобоев ўз маърузасида ашёвий далиллар асосида кўрсатиб ва исботлаб берди.

Ёзма манбалар масаласида афсус билан шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки, шаҳарларимиз тавсифланган қадимий туркий ёзувлар бизгача етиб келмаган. 1881 йилда Истамбулда нашр этилган “Луғати чиғатойи ва турки усмони” номли ноёб луғатда Андижон шаҳрининг қадимги туркча номи “Адоқ” деб берилган. Мана, айнан иқтибос: “Адоқ — Туркистонда воқеъ Андижон шаҳрининг номи қадимийсидир”.[2;7] Бунинг исботига икки қатор туркий шеър ҳам келтирилган.

Қадимий хитой манбаларининг И.Бичурин таржимасида бизга маълум бўлган қисми милоддан олдинги II-I асрларда Ўрта Осиёга**,** жумладан, Фарғона водийсига ҳам келган дипломат-сайёҳ Чжан Цзян ёзувларидир. Унда ўша даврда (яъни бундан 2200 йиллар илгари) Фарғонада 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳарлар борлиги зикр қилинган. Булар хитойчада “чента” деб аталган. Табиийки, хитой сайёҳи буларнинг барчасига бориб улгурмаган, шунинг учун икки-учта шаҳар номини келтириб ўтади, холос. Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур “Девони луғат ат-турк**”** номли мўътабар асарида Фарғонада яшаган чигил, арғу (арғин) уруғлари санаб ўтилади. Маҳмуд Қошғарийнинг Андижон шаҳрига қадимда Алп Эл Арслон асос солган, деган маълумоти биз учун жуда муҳимдир. Турколог олимларимиз кўмагида қадимги ёзувларимизни ўрганиб, Андижоннинг араблар келмасдан илгариги номини аниқлаш галдаги муҳим вазифаларимиздандир. Зеро, фан оламига маълум қадимги туркий ёзма манбалардаги Андижон тавсифи махсус ўрганилган эмас.

Баъзи илмий баҳслардан сўнг шундай хулосага келиш мумкинки, араблар истилоси даврида кўп туркий манбалар янги ислом эътиқоди нуқтаи назаридан йўқ қилиб ташланган. Бизга

маълум бўлган шарқ ёзма манбалари эса, юртимиз араблар ихтиёрига ўтгач, бу ерга келган араб сайёҳлари ёзиб қолдирган маълумотлардир.

Ўшандай маълумотлардан дастлабкиси араб сайёҳи Истаҳрийнинг (тўла номи Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Истаҳрий) X асрда яратилган "Китоб масолик ва ал-мамолик", яъни "Давлатларнинг йўллари ҳақида китоб" номли асаридир. И.Ю.Крачковскийнинг хабар беришича, Истаҳрий асли Форс мулкидан чиққан, асарини ҳам дастлаб форс тилида ёзган, сўнгра арабчага таржима бўлган.

Асарнинг Мовароуннаҳрга бағишланган қисмида Фарғона водийсига тегишли муҳим маълумотлар бор. Истаҳрийнинг ёзишича, Фарғона анча кенг, ер ости бойликларга бой ўлка. Унинг маркази — Ахси шаҳри. Фарғона ўлкаси қуйидаги вилоятларга бўлинади: Юқори Ниса, Қуйи Ниса, Асбара (бугунги Исфара), Некад, Миён Рудон ва ҳоказо —ҳаммаси бўлиб 9 та вилоят. Асарда навбатма-навбат ҳар бир вилоятдаги шаҳарлар санаб ўтилган. Жумладан, Қуйи Ниса вилоятидаги шаҳаралар қаторида Андукан номи келтирилган.

Миён Рудон деганда Сирдаёнинг икки катта ирмоғи — Норин билан Қорадарё ўртаси тушунилади. "Бобурнома"да бу вилоят "Икки сув ораси" деб аталган. Истаҳрий берган маълумотларга кўра, Фарғонада аҳоли нисбатан зич жойлашган, қишлоқлар кўп, ҳунармандчилик ривожланган. Тоғлари турли конларга бой. Фарғонада мевали боғлар кўп, турли мевалар шундай серобки, ёзда уни молга берадилар. Ўлканинг бош шаҳри —Ахси.

Шахсан фикримча, Истаҳрий берган маълумотлар асосида Фарғона ўлкасининг вилоятлари харитасини яратмоқ лозим: ҳар бир вилоятдаги муаллиф санаб ўтган шаҳарлар номи ёзиб чиқилса, ўлканинг қадимий тарихини ўрганишда янги бир қадам ташланган бўлур эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, деярли барча араб ва форс манбаларида XIII асргача Ахсикент (ёки Ахси) Фарғона ўлкасининг бош шаҳри деб тилга олинган. Аммо тааҗжуб жойи шундаки, татар-мўғуллар истилосидан кейин ёзилган манбаларда Ахси номи деярли тилга олинмайди, ёки бошқа муносабат билан, йўл-йўлакай зикр этилади, холос. Тўғри, XIII аср ўрталарида яратилган "Жаҳоннома" асарида ҳам Ахси Фарғонанинг асосий шаҳри деб кўрсатилган , аммо бошқа манбаларда бу ном деярли учрамайди, баъзан "Ахсикент дарёси" деб келтирилади. Ва аксинча, Андижон номи кўпроқ тилга олинади.

Андижон тарихи муносабати билан биз атоқли тарихчи, марҳум академик Бўрибой Аҳмедов фикрини билмоқчи бўлгандик. Олим қуйидаги мазмунда фикр билдирган эди: Мўғул хонлари Мовароуннаҳрни эгаллагач, савдо алоқаларини тиклашга, хусусан, Хитой билан муносабатларга эътибор қарата бошлаганлар. Мовароуннаҳрнинг кўзга кўринган вилояти бўлмиш Фарғона водийси бевосита Хитой билан чегарадошдир. Андижон эса шарқдан Эргаштом — Ўзган орқали ўтган "Буюк ипак йўли"нинг Фарғонага ўтган тармоғи устида жойлашгани туфайли илк ўрта асрларданоқ унинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий аҳамияти орта борган. Шу маънода, мўғул хонлари учун шимолда — Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Ахси шаҳрига нисбатан Андижон ўрнашган ери жиҳатдан каттароқ стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳар эди. Қорахонийлар ҳукмронлиги давриданоқ пойтахт шаҳар бўлмиш Ўзганга яқин турган Андижонда ҳам карвон йўли мавжудлиги туфайли ҳаёт гавжумлашган, туркий уруғлар оилалари билан шаҳарга ва унинг атрофига кўплаб келиб ўрнаша бошлаган, янги қишлоқлар пайдо бўла бошлаган эди. XIII аср охириданоқ Андижон Ўзгандан сўнг стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳар ва водий шарқи-жанубидаги муҳим савдо маркази сифатида кўтарила бошлаган.

Шунинг учун бўлса керак, XIV асрда ўтган тарихчи Ҳамдуллоҳ Қазвиний "Нузхат ул-қулуб" асарида мўғул хонлари Қайду ва Дува (аслида Хайду ва Тува) Андижонни обод қилдилар (матнда "Шаҳри Андижонро ободон гардониданд"), деб ёзади[3;334]. Қазвинийнинг кўрсатишича, Андижон — вилоятнинг пойтахтидир, шаҳар "Қуббатул-ислом" деган мўтабар унвон билан аталган (яъни, Фарғона тахтига ўтирадиган хон номига аталган хутба Андижондаги бош масжидда ўқилади). Хайдудан кейин мўғул тахтига ўтирган Дувахон Андижонда катта масжид қурдиргани шаҳар тарихидан маълум. Халқ хотирасида "Дувахон" масжиди деб аталиб, XVII асрда юз берган зилзила оқибатида вайрон бўлган (ўрни ҳозирги темирчилик ҳунармандлар растасининг чап томонидаги цех ўрнида, 1937 йили бутунлай йўқ қилинган.)

Тарихчи Муиниддин Натанзийнинг Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси (Умаршайх ўғли) Искандар Мирзога бағишланган "Искандарнома" асарида (XV аср боши) ёзишича, Хайду ўғли

Дувахон сиёсатда анча тадбирли, узоқни кўрадиган ва ақлли чиқди. Аввалига ота, сўнг ўғли Фарғонада кўп ерларни обод қилдилар. Пойтахт Андижонга кўплаб уруғ-аймоқларини кўчириб келтириб ўрнаштирдилар, янги қишлоқ ва маҳаллалар пайдо бўлди. Дувахоннинг 16 йиллик ҳукмронлиги даврида вилоят кескин ободонлашди. У 1306 йили касал бўлиб ўлди (Ўзган атрофига дафн қилинган).

"Искандарнома" муаллифи ҳамда иккала "Зафарнома" муаллифлари — Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг ёзишларича, (Мовароуннаҳрда ҳокимият тўлалигича Амир Темурга ўтгандан кейин) мўғул хони Қамариддин Мовароуннаҳрга, айниқса, Мўғулистонга бевосита чегарадош бўлган Фарғона мулкига тез-тез ҳужум қилиб турди. 1375 йил кузида Соҳибқироннинг ўзи Қамариддин қўшинларини тор-мор келтириб, Фарғона вилоятини пойтахт Андижон ва 12 та тумани билан қўшиб ўғли амирзода Умаршайхга мулк қилиб берди. Умаршайх Андижоннинг мудофаа деворларини қайтадан мустаҳкамлашга киришди.

Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сида биз учун муҳим бўлган қуйидаги маълумотларни келтиради: ҳижрий 777 йил баҳорининг бошланишида, (яъни мелодий 1376 йил феврал охирида) Мўғулистон хони Қамариддин Фарғона мулкига ҳужум қилиб, пойтахт Андижонии эгаллаб олди. Амирзода Умар Шайхнинг бир қанча амалдорлари сотқинлик қилиб, мўғул хонига қўшилиб кетдилар. Умаршайх тоғ томонга яшириниб, бу ҳақда дарҳол Самарқандга — Соҳибқиронга хабар етказди. Бу хабардан ғазабланган Амир Темур набираси Жаҳонгир қўмондонлигида Фарғона томонга қўшин юборди. Бу орада ғанимлар Андижонни вайрон қилдилар. "Ул ҳазрат бу хабарни эшитгач, филҳол отланиб таъжил билан (ғазаб билан) Самарқанддин чиқиб Андижонға юриди"[4;80]. Бундан хабар топган Қамариддин Андижондан чиқиб, Отбоши томонга кетди ва у ердан яқин кишиларини олиб яна яширинди. Улуғ соҳибқирон юборган қўшинлар Қамариддин, акаси Шамсиддиннинг хотини Буён оға ҳамда қизи Дилшод оғони асирга олдилар. Бу орада тоғ томонда вақтинча яшириниб турган амирзода Умаршайх қаттиқ жангга киришиб, мўғул қўшинлари қолдиқлари устидан ғалаба қилди ва Андижон қалъасига қайтиб, келиб мустаҳкам ўрнашди.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур Отбошига келиб, ўша давр удумига кўра мағлуб бўлган Қамариддиннинг жияни Дилшод оғога уйланган. Шоҳона тўй-томошалардан сўнг Ўзганга келган. Улуғ Соҳибқироннинг опалари Қутлуғ Туркон оғо укасини улуғ ғалаба ва тўй билан муборакбод қилиш учун Самарқанддан Ўзганга келган. Опа-ука ва барча амиру баҳодирлар бирга саййид Бурхониддин Қиличнинг муборак мозорини зиёрат қилдилар (Бу зот пайғамбар авлодидан бўлиб, Қорахонийлар давлатининг пойтахти бўлмиш Ўзганда қолиб кетган эди). Соҳибқирон, академик Бўрибой Аҳмедовнинг ёзишича, Бурхониддин Қилич мозорининг шайхлари, хофизи қуръону хизматкорларига садақалар улашади: ўн мингта қўй, уч юзта от ва бир туман олтин динор пул инъом қилади. Сўнгра барчаси бирга 1375 йил баҳорида Фарғона водийси бўйлаб Самарқанд томонга юрадилар ва ўша йилнинг ёзини водийнинг гўзал масканларида ўтказадилар. "Зафарнома" таржимонлари ҳам ўз изоҳларида тўғри таъкидлаганларидек, "Демак, соҳибқирон 1375 йил баҳори ва ёзида Фарғона водийсининг шарқидан ғарбигача биринчи марта кесиб ўтган" [4;326]. Бу ерда изоҳталаб нуқталардан бири — "Амир Темур Самарқандга қайтишда ҳам Андижонда бўлганми?" деган саволдир. Юқорида ёзганимиздек, Соҳибқирон мўғулларга қарши набираси Жаҳонгир бошчилигида Фарғонага қўшин юбориб, ўзи ҳам Андижонга келган эди. Бу — 1375 йил бошига тўғри келади. Соҳибқирон "Пайтақ" (ёки "Байтақ") мавзеида 53 кун туриб, қишни шу ерда ўтказгани иккала "Зафарнома"да таъкидланган. Баҳор ва ёзда водий бўйлаб Самарқандга қайтишда қайси шаҳарларда бўлгани манбаларда кўрсатилмаган. Аммо шу нарса аниқки, Хўжанд ҳокими, сертакаллуф Одилшоҳ Соҳибқиронни Марғилонга келиб кутиб олган. Шундай бўлгач, Амир Темур Андижонда ҳам тўхтаган чиқади. Зеро, Ўзгандан ғарб томонга кетган икки йўлдан бири бевосита Андижондан ўтиб, "Бобурнома"да тилга олинган Банди Солор карвон йўлига чиқар эди. Амир Темур Самарқандга қайтишда қайси шаҳар ва қишлоқларни босиб ўтганини аниқлаш ҳам ўлкашуносликнинг муҳим вазифаларидандир.

Манбалардан шу нарса маълум бўлмоқдаки амирзода Умаршайх Андижонда эканида ободончилик ишларига ҳам қўл урган. Чунончи, у бир боғ яратган — манбада "яшил боғ" деб тилга олинади. Бу Умаршайхнинг мўғул истилолари натижасида шаҳар танасига етган оғир жароҳатларни тугатишда қилган ишларидан далолатдир. Ёзма маълумотларга асосланиб шундай хулоса қилиш

мумкинки, амирзода Умаршайх тахминан 1377-78 йилларда пойтахт Андижон атрофига янгидан девор олдирган, эски қисмларини таъмирлаттирган. “Бобурнома”да тилга олинган ва Ўш томондан оқиб келадиган Андижон рудидан (“Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи бирла ўтиб Андижонга борур”[5;94]) янги ариқлар чиқарилган. Тадқиқотлар кўрсатишича, шаҳарнинг Бобурномада тилга олинган 9 та ариғи амирзода Умаршайх (яъни Амир Темур ўғли) давриданоқ ишга тушган. Натижада шаҳар ва атрофининг сув билан таъминланишида ҳам кескин бурилиш бўлган. Шаҳар атрофида янги ерлар ўзлаштирилган. Натижада янги-янги қишлоқлар пайдо бўлган, экин майдонлари кенгайиб, боғ-роғлар ҳам кўпайган. Бу, ўз навбатида, мўғуллар истилосидан кейин шаҳар иқтисодий аҳволининг сезиларли юксалишига туртки бўлган.

Абдураззоқ Самарқандий ўзининг машҳур “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида ҳам амирзода Умаршайх фаолиятига тўхталиб ўтади. Умаршайх Андижоннинг қалъа деворларини қайта тиклагани ва шаҳарни мустаҳкам қўрғонга айлантириб, боғ-роғлар барпо қилгани таъкидланади. Самарқандийнинг ёзишича, Амир Темур Қошғарни ҳам амирзода Умаршайхга берган, Умаршайх Қошғар аҳолисининг бир қисмини Андижонга кўчириб жойлаштирган. Бироқ Умаршайх 1393 йилда тасодифан вафот қилади. Улуғ Соҳибқирон Эронга юриши олдидан (яъни 1399 йилда) Умаршайхнинг учинчи ўғли ёшгина Искандар мирзони Андижон ҳокими қилиб тайинлаган. Мўғулистон чегараларигача ерлар амир Искандар мулки эди, деб таъкидланади ўша манбада. Соҳибқирон Самарқандда ўз ўрнига амирзода Султон Муҳаммадни қолдирар экан, вояга етмаган амирзода Искандарга ҳам бошқа амирлар қатори Султон Муҳаммад билан маслаҳатлашиб иш кўришни таъкидлайди.

Абдураззоқ Самарқандийнпнг ёзишича, амирзода Искандар Мўғулистон хони Хизир Хўжа ўғлон вафот қилганини эшитиб, Султон Муҳаммад розилигини сўрамасданоқ Фарғонага чегарадош бўлган мўғул ерларига ҳужум қилган ва ғалаба қилиб бир қанча шаҳар-қишлоқларни эгаллаган, мустаҳкам Оқсу шаҳрини вайрон қилиб, одамларини асир олган. Искандар бундан сўнг Хўтанга ўтиб, уни ҳам эгаллаган ва, ёшлигиданми , енгил-елпи айш-ишратга берилган. Самарқанд ҳокими Султон Муҳаммад амирзода Искандарнинг ўзбошимчалик билан қилган вайронгарчилик урушлари ва беодобона ишларидан норози бўлиб, Искандар Андижонга қайтиши биланоқ Самарқанддан қўшин юбориб, амирзодани пойтахтга олдириб келган. Бу орада улуғ Соҳибқирон Ўтрор томонда кутилмаганда вафот қилиб (1405), ўрнига қолган фарзандлар ўртасидаги валиаҳдлик можароларидан сўнг Самарқанд тахтига ўтирган Шоҳрух Мирзо (яъни Амир Темурнинг тўртинчи ўғли) 1409 йили Фарғона тахтига марҳум Умаршайх Мирзонинг 22 ёшли ўғли Аҳмад Мирзони юборади (Манбада баъзан Мирак Аҳмад деб ҳам аталган). Афтидан, Соҳибқирон вафотидан сўнг Андижонда ҳам тахт меросхўрлари масаласида нотинчликлар юз берган. Шунинг учун Шоҳрух Мирзо Фарғонада осойишталик ўрнатишда Мирак Аҳмадга яқиндан ёрдам кўрсатиш учун иккита тажрибали амирлардан ҳам қўшиб юборади.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, 1414-1415 йиллар бўлса керак, Мовароуннаҳр ҳудудини ҳимоя қилиш зарурати туғилгани сабаб Мирзо Улуғбек Андижонга махсус киши юбориб, Мирак Аҳмаднинг дарҳол Самарқандга келишини буюради. Мирак Аҳмад ўз мулкида тартиб-интизом ўрнатиш билан банд бўлгани учун боролмаслигини элчига нушаймонлик билан тушунтиради. Манба сатрлари орасидаи шу нарса англашиладики, Мирзо Улуғбек билан Мирак Аҳмад ўртасида Андижон ҳокимининг бебошлиги сабабидан қандайдир гинахонлик борга ўхшайди. Улуғбек Мирак Аҳмаднинг жавобидан норози бўлиб, Андижонга Боязид парвоначи деган ишончли кишисини юбориб, ёш ҳокимнинг мақсади ва қандай шарти борлигини билиб келишни тайинлайди. Аммо Фарғона ҳукмдори бу сафар ҳам таклифга кўнмайди. Самарқандаги ўғлини юборишга ваъда қилади-ю, Улуғбекдан қўрққаниданми, уни ҳам вақтида юбормайди. Мирак Аҳмаднинг бу иши Мирзо Улуғбек нафсониятига тегиши аниқ эди, ўзи Андижонга юриш қилади. Бу ерда шу нарса аён бўлаётирки, Мирак Аҳмаднинг Мироншох томонидан Фарғона ҳукмдори қилиб тайинланганидан Улуғбек норозига ўхшайди. Мирак Аҳмад ҳам буни фаҳмлайди. У Улуғбекнинг Андижонга юришини эшитиб, Фарғонанинг барча шаҳарларини ҳимояга тайёрлашни буюради, ўзи эса шарққа — тоғ томонга кетиб яширинади.

Улуғбек қўшинлари Ахсини қуршаб оладилар. Шаҳар қалъаси мустаҳкам бўлишига қарамай, Ахси таслим бўлади. Сўнгра Мирзо Улуғбек Андижонга йўл олади. Мирак Аҳмад узоқда, тоғ томонда эди, барибир қайтмайди. Улуғбек ишончли кишиларидан амир

Муҳаммад Тобонни яна бир ёрдамчи билан шаҳар ҳокими этиб тайинлаб, сўнгра Самарқандга қайтади.

Улуғбекнинг қайтиб кетганидан хабар топган Мирак Аҳмад Мўғулистондан ёрдамга келганлар билан тоғдан қайтиб, Андижон томон юради. Янги ҳоким Муҳаммад Тобон қўшин билан Андижондан чиқиб, унинг йўлини тўсиш учун Ўш томонга юради. Муҳаммад Тобон одамлари Ўш атрофида лагер қуриб тўхтайдилар, аммо Мирак Аҳмад уларни ғафлатда қолдиради — тунда бостириб кириб Муҳаммад Тобонни, унинг иккита амири ва бошқа баҳодирларини қўлга туширади. Хайрият, Муҳаммад Тобон одамларидан амир Рустам деган омон қолиб, дарҳол Андижонга қайтади ва шаҳар ҳимоясига киришади. Манбада ёзилишича, ўртада қаттиқ жанг бўлади. Ниҳоят, Мирак Аҳмад ғалаба қилиб, Андижонга кириб боради. У билан бирга бўлган мўғул қўшинлари эса, ўз одатларига кўра, шаҳарни ва атроф қишлоқларни талаб, Мирак Аҳмаддан юз ўгириб юртига қайтиб кетадилар. Бу воқеалар юз берганида 1413-1414 йиллар эди.

Аммо Мирак Аҳмад барибир бебошлик хатти-ҳаракатларидан уялибми, Мирзо Улуғбек ғазабидан хайиқади ва Андижонда туролмай, ишончли кишисини амирликка қолдириб, ўзи Қошғар томонға кетади. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, у Мўғулистон хони Муҳаммадхон ҳузурига бориб, ундан яна ёрдам сўрамоқчи бўлган. Бироқ Муҳаммадхон ўша йили вафот қилган эди. Мирак Аҳмад Мўғулистонга ҳам бормади, қилмишларидан афсусланиб, Қошғардан Хуросонга кетади. Қошғарда унинг ўрнига қолган амир Шайх Али Тоғой Мирзо Улуғбек ҳузурига Мирак Аҳмадни афв қилишини сўраб ўз ўғлини юборади ва Қошғарга янги ҳоким тайинлашни илтижо қилади. Улуғбек бунга кўниб, яқин кишиларидан Қошғарга бошқа ҳоким тайинлайди.

Хуросонга қочиб кетган собиқ Андижон ҳокими Мирак Аҳмад иқболига Форс юртида сафарда юрган Шоҳрух Мирзо Хуросонга қайтиб келган эди (Мирак Аҳмадни Андижонга ҳоким қилиб Шоҳрух Мирзо юборган эди-да). Бироқ бундан кейинги вокеаларда Мирак Аҳмад номи тилга олинмайди. 1418-1419 йиллар воқеаларида Андижон ҳокими сифатида Абул Лайс деган тилга олинади**.** Манбада тасвирланаётган воқеалардан шу нарса маълум бўладики, Мовароуннаҳрда ҳам, Мўғулистонда ҳам сиёсий аҳвол ниҳоятда танглашган. Иккала мамлакатда ҳам ҳокимият учун кураш, ўзаро ур-йиқитлар давом этмоқда эди.

Абдураззоқ Самарқандий берган тафсилотлардан шу нарса маълум бўладики, юз бераётган сиёсий тангликдан Фарғона мулки ҳам мустасно эмас. 1421 йил баҳорида Абул Лайс Андижондан Самарқандга бориб, аҳволдан хабар беради, буйруқ ва топшириқлар олади ва Андижонга қайтгач, тинчлик ўрнатиш учун муайян хатти-ҳаракатлар қилган. Аммо, афтидан, ҳаракатлари зое кетган. Фарғонадаги аҳволдан хабардор қилиш, балки ёрдам сўраш учун Абул Лайс Самарқандга бу сафар махсус одамини юборган. XV асрнинг биринчи чорагида бутун Мовароуннаҳрда нотинчлик ҳукм сургани ҳақида манбада турли тафсилотлар келтирилган. Тинчлик-тартиб ўрнатиш учун шахсан Мирзо Улуғбекнинг ўзи Фарғонаға томон юриш қилиб, Хўжандгача келган.

Мўғул хонлари ҳам тинч турмади. “Бобурнома”да қайд этилишича, “Улуғбек Мирзонинг ва ўғилларининг ғавғосида Эсон Буғахон фурсат топиб келиб Фарғона вилоятини Кандибодомгача чопиб, келиб Андижонни олиб, элини тамом асир қилди”[5;13]. Кейинги йиллари Андижон ҳокими алмашган, Мирза Али Кичик деган тайинланган эди. Бироқ у мўғуллар ҳужумига қарши туролмай, ўзи ҳам асирга тушган.

Тарихдан маълумки, 1451 йили Самарқанд тахтига Абу Саид Мирзо ўтиргач, пойтахтни Самарқанддан Хиротга кўчирган. Мўғуллар унинг йўқлигидан фойдаланиб, Фарғонага яна бир неча марта ҳужум қилганлар. Абдураззоқ Самарқандий шуни таъкидлаб ёзадики, Абу Саид Мирзонинг қўллаб-қувватлаши билан Мўғулистон тахтига янгигина ўтирган Юнусхон (у Эсон Буғахоннинг катта акаси) билан яқин алоқа ўрнатган. Шунинг учун бўлса керак, Юнусхон мўғул тахтига ўтиргач, Фарғона томонларга ҳужумни тўхтатган. 1462 йилда Абу Саид Мирзо Фарғона вилоятини Ўзган томонлар билан қўшиб ўртанча ўғли Умаршайх Мирзога суюрғол қилиб беради. Ёш амирзода ўз вилояти ва пойтахти Андижонда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга муваффақ бўлади. “Бобурнома”дан маълумки, Абу Саид Мирзо Юнусхон билан қудачилик алоқасини ўрнатди: унинг иккала қизини иккала ўғлига, яъни Меҳр Нигорхонимни катта ўғли Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзога, ўртанча қизи

Қутлуғ Нигорхонимни Умаршайх Мирзога олиб берди. Шу билан манбаларда ҳам таъкидланишича, Фарғона мулкида нисбатан осойишталик ҳукм сурди.

"Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн"да таъкидланишича, Мўғулистонга бевосита чегарадош бўлган Фарғона вилояти ва пойтахт Андижон Умаршайх Мирзо даврида ҳар томонлама ривож топди, Андижон эса обод шаҳарга айланди. Бобур ёзганидек, Андижон бутун Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кешдан сўнг учинчи ўриндаги шаҳар ҳисобланарди.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб Фарғона мулки ва Андижон тарихини XV асрда кечган ижтимоий ва сиёсий воқеалар жиҳатидан икки даврга бўлиш мумкин:

Биринчи давр — XV асрнинг биринчи ярми, яъни Амир Темур вафотидан сўнг Мовароуннаҳрнинг Шоҳрух Мирзо ва Улуғбек Мирзолар тасарруфидаги даври. Бу даврда Мўғулистон хонлари билан ўзаро тўқнашувлар оқибатида, гарчи Фарғона мулки ва Андижон темурийзодалар қўлида бўлса ҳам, бесаранжомлик ва хавфли йиллар ҳукм сурди.

Иккинчи давр — XV асрнинг иккинчи ярми, яъни Улуғбек Мирзодан сўнг Самарқандда ҳукмронлик қилган Абу Саид Мирзо ва Султон Аҳмад Мирзо даври. Абу Саид Мирзо Мўғулистон хони Юнусхон билан қудачилик алоқаларини ўрнатди ва Фарғона мулкида XV асрнинг 90-йилларигача нисбатан тинч ҳаёт қарор топди. Манбаларда Умаршайх Мирзонинг Фарғона мулкидаги тўла 30 йиллик ҳукмронлиги даврида деярли барча шаҳарларда, хусусан, пойтахт Андижонда ҳар томонлама ривожланиш бошланганига урғу берилган. Буни маданий ва маънавий ҳаётда ҳам кузатиш мумкин. Бу даврда Андижонда илмий-исломий асарлар яратган бир қатор уламолар, пиру-устозлар, шунингдек, Мовароуннаҳрга, ҳатто Хуросонга ҳам номи маълум бўлган айрим шоирлар яшаб ўтгани маълум бўлмоқдаки, бу мавзуда махсус илмий изланишлар олиб бориш келгусидаги вазифаларимиздандир.

Мирзо Ҳайдар "Тарихи Рашидий"да ёзишича, Бобур туғилганида чақалоққа исм қўйиб беришни сўраб Умаршайх мирзо ўз пири Хожа Аҳрор Валийга махсус одам юборган. Айрим хабарларга қараганда, исм қўйиб бериш муносабати билан Хожа Аҳрор Андижонга келган (чақалоққа "Заҳириддин Муҳаммад" деган исмни Хожа Аҳрор қўйгани тарихдан маълум). Хатто Абдураҳмон Жомийнинг ҳам Андижонга Хожа Аҳрор билан бирга ташриф буюргани ҳақида айрим маълумотлар бор. Булар ва, умуман, Фарғона ва Андижоннинг XV аср охири ва XVI аср бошидаги маданий-маънавий муҳити махсус тадқиқот олиб бориш учун алоҳида мавзудир.

Бироқ муҳим манбалардан бири бўлмиш "Тарихи гузида - Нусратнома" асарида келтирилишича, Муҳаммад Шайбонийхон 909 йил шаввал (яъни 1503 йил апрел) ойида Фарғонага ҳужум қилиб, аввал Ахсини, сўнгра пойтахт Андижонни эгаллаган, шаҳарни бутунлай вайрон қилиб, халқини деярли қириб ташлаган. Андижон хокими Аҳмад Танбални бутун оиласи билан ўлдириб, ўз бекларидан Жонибек Султонни шаҳар ҳокими этиб тайинлаган [6;126].

Шунинг учун бўлса керак XVII-XIX асрлардаги манбаларда Андижон ва умуман Фарғона ҳақида арзигулик маълумотлар учрамайди. Қошғар тарихига оид манбада академик В.В.Бартольднинг таъкидлашича, Шарқий Туркистон билан Фарғона ўртасидаги савдо алоқаларида Андижон доимо муҳим ўрин эгаллаган. Фарғона водийсиданки борган барча кишиларни Шарқий Туркистонда "анжанликлар" деб атаганлар[7;326]. Бу ҳолат Хитой томон билан бўлган савдо алоқаларида Андижоннинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлайди.

XVII-XIX асрларда яратилган ўзбек тилидаги манбалар, асосан, Қўқон хонлиги тарихига оиддир. Андижоннинг Қўқон хонлиги давридаги тарихи эса алоҳида мавзудир.

Адабиётлар:

1. Халқ сўзи.- 2007.- 8 сентябрь
2. Луғати чиғатойи ва турки усмони.- Истамбул, 1881
3. Нузхат ул-қулуб. Литография, Бомбай, 1893. ЎзФА ШИ қўлёзмалар фонди, иш -№3768
4. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Шарқ НМАК, 1997
5. Бобур. Бобурнома.- Т., 1980
6. Тарихи гузида. Критический текст.- Т.: Фан, 1967
7. Бартольд В. Работы по историографии.- М, 2002

Андижон давлат университети,
2009 йил 27 майда қабул қилинган